

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
КОММУНАЛ ВА МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ КАФЕДРАСИ**

**КОММУНАЛ ГИГИЕНА ВА МЕҲНАТ
ГИГИЕНА
фанларидан
иқтидорли талабалар билан ишлаш
НИЗОМИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
КОММУНАЛ ВА МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ КАФЕДРАСИ**

“Тасдиқлайман”

ТТА, илмий ва инновация ишлар бўйича
проректор Азизова Ф.Л. _____
“ _____ ” _____ 2018 й

**КОММУНАЛ ГИГИЕНА, МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ
фанларидан
ташкил қилинган иқтидорли талабалар
билан ишлаш**

Н И З О М И

1 Умумий қоидалар

1.1. Кафедралар ва бўлимларда иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш ва олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ташкилий марказдир. Кафедра талабаларнинг ўзлари қизиққан фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларига зарур шарт-шароитларни яратишда фаол иштирок этади.

1.2. Кафедра тўғаракларда, профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илғор илмий-тадқиқот ишларига талабаларни жалб қилади ва уларнинг тўла иштирокини таъминлайди. Иқтидорли талабалар илмий-тадқиқот ишларининг мамлакатимиздаги бошқа илмий марказлар ва институтлар ҳамда хорижда олиб борилаётган илмий изланишлар билан алоқасини ўрнатади.

1.2 Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедрасининг вазифалари

- Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлашни ташкил қилиш ва барча талабаларни қатнашувини таъминлаш;
- юқори рейтинг балига эга бўлган иқтидорли талабаларни кафедрада ўтказиладиган илмий анжумаларда қатнашишини таъминлаш;
- Академияда ўтказиладиган талаба илмий жамиятида ўз маърузалари билан қатнашишини таъминлаш;
- кафедра ушбу талабаларни иқтидорли талабалар сафига кириши учун барча қулайликларни яратиш;
- Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига мослаштиради ва уларга раҳбар белгилайди;
- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича касбга йўналтирилган дастур ишлаб чиқади, уни ўқув ва илмий бўлимларда тасдиқлатиб олади, талабаларнинг фаолияти бўйича квартал ва йиллик ҳисоботларни бўлимга топишириб боради.

1.3 Иқтидорли талабаларнинг вазифаси

- юқори даражада ахлоқли, маданиятли ва илмга чанқоқ бўлиши, доимо янгиликка интилиши;
- ўзининг интеллектуал салоҳиятини доимо ошириб бориш, интернетдан фойдалана олиш, илмий адабиётлардан, академияда, Республикада, хорижда қилинаётган илмий-тадқиқот ишларидан бохабар бўлиш;
- кафедрада унга бириктирилган тўғарак раҳбар билан доимо ҳамкорликда ишлаш, илмий материал тўплашда ва экспериментал ишларда бевосита иштирок этиш;
- инглиз ва бошқа хориж тилларини мукамал ўрганиш ва билиш;
- ўзининг илмий-тадқиқот иши учун ўзи материал тўплаши ва илмий раҳбари билан олинган маълумотларни биргаликда таҳлил қилиши;

- олинган натижалар асосида мақола ва маърузалар таёрлаш
- “Илмий-тадқиқот иши” ни тайёрлашда қўлланилган адабиётлар, методлар, экспериментлар, олинган натижалар ва уларнинг хулосаларини кўрсатиш, ҳамда ўзи ва илмий раҳбари иштирок этган қисмини ёзма равишда кўрсатиши.

Комунал гигиена, меҳнат гигиена фанларини ўрганиш талабаларни умум гуманитар физик-кимёвий фанлар, тиббиёт, гигиеник фанлар: , овқатланиш гигиенаси, эпидемиология, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, радиацион ва ҳарбий гигиена фанларидан олган билимларига асосланади .

Ишчи дастур тиббий профилактика факультетининг 3,4 ва5-курслари учун тузилган бўлиб, ушбу дастурни тузишда фанни ўқитилишидаги халқаро тажрибалар, Умумжаҳон тиббий таълим федерацияси тавсиялари ва Ўзбекистон Республикаси аҳолини касалланиши ва ногиронлиги даражасини камайтиришга, шунингдек эрта ўлимни олдини олишга таъсир эта оладиган мутахасисларни тайёрлашни кўзда тутган, тиббий талимнинг профилактикасини кучайтириш каби Ўзбекистон Республикаси Олий тиббий таълимнинг ривожлантириш концепцияси ҳолатлари эътиборга олинган. Ушбу дастур гигиена фани бўйича ўқитиладиган талабаларни билишлари керак бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар ҳажмини белгилайди.

1.1. Фаннинг ўқитишнинг мақсад вазифалари ва амалиётда тадбиқ этиш.

Ўқитишнинг асосий вазифалари:

“Комунал гигиена” “Меҳнат гигиена” фанлари бўйича талабаларни ўқитишнинг **умумий мақсади** гигиенанинг илмий асослари, гигиеник текшириш усуллари ва соғломлаштириш тадбирларининг асосий принципларини талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминлаш ҳисобланади.

Ўқитиш мақсадига мувофиқ, ҳамда ўзитиш жараёнини ҳисобга олиб, фаннинг шахсий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- талабаларни фан ва гигиенанинг асослари билан таништириш;
- талабаларни комунал ва меҳнат гигиенанинг ҳар бир бўлимини асосий хусусиятлари билан таништириш;
- энг долзарб гигиеник муаммолар билан таништириш;
- талабалар томонидан гигиеник текшириш усулларини ўзлаштирилиши.

1.2. Иқтидорли талаба ўзлаштириши лозим бўлган билим ва амалий кўникмаларга қўйиладиган талаблар:

Кўрсатилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқитишни тугатгандан сўнг талабалар билиши керак:

- комунал гигиена ва унинг ҳар бир бўлимининг мақсади ва вазифалари;
- атроф муҳит ва одам организмнинг ўзоро боғлиқлигининг асослари;

- атроф муҳит омилларининг организмга таъсир этиш хусусиятлари, ижтимоий-гигиеник омиллар;
- гигиеник ва соғломлаштирувчи тадбирларни ташқил қилиш ва ўтказишнинг асосий принциплари;
- ишчиларнинг иш шароитларига булган гигиеник талаблар;
- соғлом турмуш тарзининг гигиеник асослари;
- атроф муҳит омилларини гигиеник меёрлаштириш ва регламентлаштиришнинг умумий асослари;

-

Талаба бажара олиши лозим:

- атроф муҳит омилларини баҳолаш бўйича визуал, инструментал, ҳисоблаш ва лаборатория текширишларини бажариши;
- организмга атроф муҳит ишлаб чиқариш омилларининг организмга таъсирини баҳолаш учун айрим физиологик текширишларни бажариш.
- иш шароитларини гигиеник баҳолаш.

-

1.3. Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси:

- Коммунал гигиена ва меҳнат гигиена фанларини ўрганиш талабаларни умум гуманитар, физик-кимё фанлари, табиат, гигиеник патологик анатомия, физиология, тиббий биология ва гистология каби, шунингдек клиник, гигиеник фанлар (горизонтал боғлиқлик) ҳамда ўқитиш учун фундамент ҳисобланган юқумли касалликлар, микробиология, вирусология ва иммунология фанлари бўйича ва ушбу фанлардан олган билимларга асосланади (вертикал боғлиқлик)

1.4. Фанни ўқитишда қўлланиладиган янги технологиялар.

Коммунал гигиена ва меҳнат гигиена фанларини ўқитишда замонавий техник ўқув воситаларидан, компьютер дастурлардан, интернет ахборотларидан, ахборот технологияларидан, мавзуга оид презентациялар, видеофильмлар; кинофильмлардан, ўқитувчи ва назорат қилувчи дастурлардан, диафильмлар, слайдлар, ўқув жадваллари, тарқатма материаллар, тест назоратидан, ОСКЭ ва бошқа замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланилади.